

ТАЪЗИЯ

ТАЪЗИЯ

إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ



12:38 / 03.01.2021 2220

«Hilol Nashr» матбаа-нашриёт мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси етук воиз, машхур устоз ва олим, Абдуллоҳ домла тахаллуси билан танилган мухтарам Абдуғани домланинг падари бузрукворлари Тўхтасинбой отанинг вафотлари муносабати билан у кишининг барча оила аъзоларига, сафдошлари ва шогирдларига чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, барча яқинларига гўзал сабр тилаб қоламиз.

Аллоҳ таоло мана шундай салоҳиятли фарзандни тарбиялаган марҳум отахонимизни Ўзининг жаннати билан сийласин, барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ қилсин, саҳву хатоларини афву мағфират айласин, қабрини жаннат боғчаларидан қилсин, фарзанди аржумандларининг хайрли амалларидан, хизматларидан ҳосил бўлган ажру савоблардан Қиёматга қадар баҳраманд қилиб, руҳларини шод қилсин, охиратларини обод қилсин, ваъдасига биноан, иззат тожини кийдирсин, ҳақларига қилинадиган барча хайрли дуоларни ижобат айласин!

Мухтарам Абдуғани домлага барча мўмин-мусулмонлар номидан, минглаб мухлислари номидан бу мусибат дамларида ҳамдардлик изҳор қиламиз, падари бузрукворларининг ҳақларига дуода бўламиз, ўзларига Аллоҳ

таолодан сабру матонат сўраб, динимизни етказиш йўлидаги
хизматларида бардавомлик тилаймиз.